



UZBEK ANIMATED FILMS: A NEW STAGE AND INFLUENCE PROCESSES

Mavzur M. Makhmudov

Associate Professor

*National Institute of Painting and Design named after Kamoliddin Behzod
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: multiplication, hero, image, screen, character, special effects, visual, 3D technology, dynamics.

Abstract: This article analyzes animated films created by our country's our artists in modern technology and their impact on the spirituality of our children.

Received: 29.11.22

Accepted: 01.12.22

Published: 03.12.22

ЎЗБЕК АНИМАЦИОН ФИЛЬМЛАРИ: ЯНГИ БОСҚИЧ ВА ТАЪСИРЛАНУВ ЖАРАЁНЛАРИ

Мавзур М. Махмудов

Доцент

*Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: мультипликация, персонаж, образ, экран, характер, махсус эффектлар, визуал, 3D технология, динамика.

Аннотация: Мақолада мамлакатимиз мультижодкорлари томонидан замонавий технологияларда яратилган анимацион фильмлар ва уларнинг фарзандларимиз маънавиятига таъсир этиши таҳлил қилинган.

УЗБЕКСКИЕ АНИМАЦИОННЫЕ ФИЛЬМЫ: НОВЫЙ ЭТАП И ПРОЦЕССЫ ВЛИЯНИЯ

Мавзур М. Махмудов

Доцент

*Национальный институт живописи и дизайна имени Камолитдина Бехзода
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: мультипликация, персонаж, образ, экран, характер, спец

Аннотация: В статье анализируются анимационные фильмы созданные по

эффекты, визуал, 3D технология, современным технологиями нашей страны динамика. и их влияние на духовность наших детей.

КИРИШ

Мустақил юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар, техника ва технологияларнинг тобора мураккаблашиб янада янги ютуқларга эришиб бораётгани асосий мазмун ва моҳият касб этмоқда. Бу борада санъат соҳасида янги муҳим тармоқ бўлиб, 3D (уч ўлчамли) анимация йўналишининг олдида турган вазифалар кўлами ва салмоғи каттадир.

Бугунги жадал ривожланиб бораётган даврда махсус эффектлар, компьютер анимацияларига бой бўлган фильмлар яратишга интилиш ва қизиқиш тобора кучайиб, аниматор, мультипликатор усталари олдида жиддий талаблар ва мураккаб вазифалар қўя бошлади. Ҳозирги давр анимация экрани учун тасвирлар, персонажлар, образлар, воқеа ва ходисалар, турли ҳаракатларни кучли динамикада бойитиб яратишда махсус эффектлардан фойдаланган ҳолда яратиш давр талабига айланди. Юртимизда яратилаётган мультипликацион фильмларда ҳам бунинг натижаси сезиларли.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакатимизда мазкур соҳага давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 7 август, ПҚ-3176-сон Қарорига мувофиқ «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида мультипликацион фильмларни 2018 йилда 15 тага, 2022 йилдан эса 50 тага кўпайтириш белгиланди. Мазкур қарор юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Ўзбеккино” Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан “Ўзбекфильм” қошидаги Мультбирлашма алоҳида “Мультипликацион фильмлар студияси” Давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Қарорда юксак савияли фильмлар сурагга олиш кўламини кенгайтириш, уларни жаҳон бозорига чиқариш ва халқаро фестивалларда намойиш қилиш, замонавий форматга ўтказиш, юмористик киножурналлар сурагга олиш каби вазифаларни белгилангани алоҳида эътиборга молик. Шунингдек, мазкур қарор соҳадаги долзарб муаммолар ечимида катта аҳамиятга эга бўлиши билан биргаликда мультипликацион фильмларнинг мавқеини ошириш йўлида улкан қадам бўлмоқда. Қолаверса, ўзбек анимация санъатини ривожлантиришда мазкур қарорларнинг ижросини таъминлаш соҳа вакиллари олдида аввалгидан жиддий масъулият талаб этди.

Ўзбек мультипликацияси тарихида кўғирчоқ, чизма, перекладка, пластилин каби технологияларда асарлар яратилган бўлса, 1998 йилдан бошлаб чизма-компьютерда фильмлар яратишга ўтилди. Шунингдек, сўнгги ўн йиллик давр мобайнида 3D форматида

анимацион фильмлар яратишнинг янги даври бошланди. Бугунги кунгача мазкур технологияда мамлакатимизда мавжуд хусусий анимацион студиялар жумладан, “Cinema Servis”, “Futurist studio” ва “Astir animation studio” томонидан махсус эффектларга бой асарлар яратилиб келинмоқда. Бунинг илк намунаси ўзбек халқ шоири А.Ориповнинг “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир” шеърий мотиви асосида “Самовий меҳмон” картинасида намоён бўлди. Фильм “Cinema Servis” студияси томонидан (сценарий муаллифи: У.Қўчқоров, режиссёр: М.Махмудов, рассомлар: Д.Жалилова, С.Жумаев, Ш.Рахматуллаев, С.Каримов, бош аниматор: Ж.Бўтаев, аниматорлар: В.Сперанский, Д.Кубасов, С.Абдуназаров, Д.Дўстмухаммедов, моделчи ва текстурачилар: В.Учаев, Ж.Бўтаев, Р.Пўлатов, С.Жумаев, визуализатор: Р.Пўлатов, Д.Кубанов, В.Учаев, 2010) яратилди. Бугунги кунгача жами ўнта анимацион фильм ишлаб чиқилди. Жумладан, “Соҳибжамол қўғирчоқ” (2011), “Ақлтойнинг саргузашти” (2014), “Сариштали уй-фариштали уй” (2015), “Тошбақа” (2016), “Бўйноқ” (2016), “Қари билганни пари билмас” (2016), “Кенжа ботир” (2016), “Рустам ва Саид” (2017), “Авто саргузаштлар” (2019).

Мультижодкорлар томонидан яратилаётган ҳар бир фильм кадри ёш авлод маънавиятида жуда катта таъсир кучига эга. Демак, бола дунёқарашига маънавий озуқа берувчи мультфильмлар, уларни мард, жасур, адолатли ва ақл билан иш юритишга, энг муҳими ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам беради. Шундай экан, ҳозирги кунда бадийй ғоявий савияси юқори, техник ижроси мукамал, анимация жиҳатдан сифатли мультфильмлар яратиш Мультипликацион фильм ижодкорлари шунингдек, юртимизда мазкур соҳа бўйича фаолият юритиб келаётган студиялар олдига қўйилган энг катта вазифалардан биридир.

“Синема Сервис” мультстудия ижодкори Д.Дўстмухаммедов лойиҳаси ва М.Иброхимова, З.Йўлдошева, Э.Шойимкуловлар сценарийси асосида яратилган “Ақлтойнинг саргузашти” (2014) фильми мактаб (7-11) ёшидаги томошабинларга мўлжалланиб, асар ғояси жамиятимизда етук, билимли, ақлли инсон сифатида тарбияланиши ва дунёвий илмга эга бўлишга қаратилган. Фильм бош персонажлари опа-ука Оқила ва Олимтойнинг “Тилбилистон мамлакати”да инглиз тилида буюмларни ўрганишга бағишланган. Шунингдек, мазкур фильм бугунги даврда кичик болажонларимизнинг китобга меҳри камайиб, асосий вақтини компьютер ўйинларини ўйнаш билан ўтказиши ёритилган. Фильм кадрлари талқин этилаётган сюжет ва атроф-муҳит замонавий кўринишда тасвирланган. Персонажлар 3D графикасида моделлаштирилган бўлсада, лекин бу икки персонажлар бир-бирига жуда яқин қиёфада

акс этган. Уларнинг характерли нукталари ўз ечимини тўлақонли топмаганлиги яққол намоён бўлади. Кадрлар композицион жиҳатдан яхши қурилган ва сюжет бурилишлари кучли динамикага бой талқин этилган. Воқеалар ривожига қаҳрамонлар хонасидан бошқа муҳитга ўтиб қолиш саҳнаси визуал эффект билан боғланган. Нарса, буюм ва қаҳрамонларни китоб ичига кириб кетиш саҳнасида кучли эффект мавжудлиги кадрни янада жонлаштирган. Асарда сюжет ва персонажларга берилган ранглардан ўз ўрнида фойдаланилган. Компьютер графикасида яратилган мазкур асар болажонлар диққатини жалб этадиган динамикада қизиқарли тарзда ифодаланган. Фильмнинг “Тилбилистон мамлакати” саҳналарида ёруғ-сояларнинг берилиши, персонажлар кайфияти кадр атмосферасига мутаносиб равишда талқин этилган. Кадр саҳналари ёрқин тасвирда бетакрор ранглар билан жонлантирилган. Бу йўналишдаги фильмларнинг янада кўпроқ яратилиши ёш авлод маънавиятини миллий характерда тарбияланиши ва хориж тилини илк даврданоқ ўзлаштириб боришга ундайди. Юртимизда маънавиятимизга, урф-одатимиз, умумбашарий қадриятларимизга хос анимацион фильмлар фарзандларимиз онгига Алпомишдек алпқомат, жасур бўлиш, Зумраддек ҳаёли, иболи, меҳрибон бўлиш, ожизларга кўмак бериш, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш, бева-бечораларнинг оғирини енгил қилиш каби инсоний фазилатларни сингдиради.

Юртимизда куни кеча премьераси ўтказилган “Авто саргузаштлар” (“Astir animation studio” хусусий студияси томонидан яратилган, 2019) мультсерияли 3D форматида яратилган фильмлар орасида илк маротаба томошабинлар эътиборига катта залда намоёиш этилди. Ушбу анимацион фильм персонажлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар бўлиб, унда бош қаҳрамон кичкинтой Матиз билан боғлиқ турли қизиқарли саргузаштлар ҳикоя қилинади. Фильм кучли динамика орқали ёрқин рангларда талқин этилган. Фильм архитектурасида мамлакатимизда бунёд этилган бинолар ўз аксини топган. Мазкур асар кичик ёшдаги томошабинлар учун ажойиб саргузаштга бой, ҳаётий мультсериал ҳисобланади. Лекин ҳар бир фильм учун асос вазифасини бажарувчи манба бу сценарий бўлиб, уни яратиш жараёнида ҳар бир сўзга диққат билан эътибор қаратиш зарур. Айниқса, кичик ёшдаги томошабинлар учун мўлжалланган фильмларда. Чунки, кичик ёшдаги томошабин асар қаҳрамонларининг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатади ва унга турли таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Унда мавжуд хатти ҳаракатларни бола тезда ўзлаштириб тақлид қилишга интилади. Бу жараёнлар фарзандларимизни ижобий характерда намоён бўлишига хизмат қилишидан ташқари салбий кўринишларда ҳам акс этади. Масалан, “Авто саргузаштлар” фильмининг кузатиш мобайнида унинг сўнгги қисмларининг бирида бош персонаж Матиз дўстини

кутқариш мақсадида электр токи мавжуд муҳитга киради. Бундай сахнани кўриш натижасида фарзандларимизда “демак, мен ҳам шундай қилсам бўлар экан” деган фикр уйғонади. Шу кичик лавҳа орқали болалар ҳар қандай ишни амалда қўллаб кўришга уринади. Шундай экан бу каби салбий ҳаракатларга ундовчи сахналарнинг яратилишини бартараф этишда фильм сценарий муаллифи ва режиссёрнинг роли долзарб аҳамият касб этади. Болалар учун яратилаётган ҳар бир асар мурғак қалбларнинг маънавий оламини бойитишга, эзгулик, инсонийлик каби олий хислатларга ошно этишга хизмат қилиши лозим.

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда болажонларимизнинг онги, тарбияси, унинг фикрлаши, дунёқараш доирасининг қай даражада ривожланиб бораётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Биламизки, ҳар бир бола замонавий мультфильмларнинг сеҳрли оламига шўнғиб, мультқаҳрамонларга тақлид қилади. Бу каби фильмлар халқимиз менталитети, асрлар давомида шаклланган қадриятимизга мутлақо зид эканлигини сезиб, хушёр бўламиз. Зеро, мультфильмлар ҳаётга энди қадам қўя бошлаган кичкинтойлар тезда ўзлаштириб оладиган, образлари ёрқин талқин этилган, яхши-ёмоннинг чегараси аниқ ажратилган адабий асардир. Мультфильм қанчалик аниқ ва равшан бўлса, улар болаларга шу қадар кучли таъсир кўрсатади.

Ҳозирги мураккаб замонда фарзандларимизни мавжуд хатарлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини фарзандларимиз маънавиятига қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга даъват этиши ҳар қачонгиданда муҳимдир. Бугунги янги техника ва технологиялар асрида асосий эътиборни миллий маҳсулотларни кўпайтириш, маънавиятимизга зид турли мультфильмлардан ҳимояланишга қаратиш ва шу асосда ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш долзарб вазифадир. Шу боис фарзандларимиз қандай мультфильмлар томоша қилишига доим эътибор қаратиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор. 2017 йил 7 август, ПҚ-3176-сон.
2. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 августдаги 155 (6849)-сони.
3. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. 2017 йил 28 декабр.
4. “Мультипликацион фильмлар студияси” Давлат унитар корхонаси архив хужжатлари.

5. “Cinema Uz” va “Astir animation studio” хусусий студиялари томонидан яратилган анимацион фильмлар.